

**Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг
244-моддасига киритилган ўзгартиришлар тұғрисида
АХБОРОТ ХАБАРИ**

Солиқ тұловчилардан банк операцияларынан күшилган қиймат солиғи (ҚҚС) солиниши масаласи бүйіча келиб тушаётгандай сўровларни инобатта олиб, Молия вазирлиги қуйидагиларни маълум қилади.

1. ҚҚС га тортиладиган молиявий операциялар

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 244-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан 2022 йил 1 апрелден бошлаб қиймати қатъий суммада белгиланган **банк операциялари** күшилган қиймат солиғига тортилади.

Қатъий деб қатъий пул суммасыда белгиланган (шу жумладан, базавий хисоблаш миқдорида (ёки миқдоридан) ифодаланган) ҳамда банк операциясынан суммасидан фоизларда хисобланмайдыган банк операциялари бүйіча хизмат қиймати тан олинади.

Агар солиқ тұловчи ўзининг нарх сиёсатидан келиб чиқиб, хизматта иккى элементтің комбинациясыдан таркиб топған тариф (*операция суммасидан фоизларда, бироқ бунда хизмат қиймати қатъий пул суммаси минимал (ёки максимал) миқдоридан кам (ёки күп) бўлмаган*) белгиласа, у ҳолда хизмат фақатгина фоизда ифодаланган хизмат қисмидан ҚҚС дан озод қилинади.

Банк операцияларининг юқорида көлтирилган солиқ солиши тартиби солиқ тұловчи Солиқ кодексининг 255-моддасига асосан чет эл юридик шахслари (солиқ органларида ҚҚС тұловчысы сифатида хисобда турмаган) томонидан хизматлар күрсатиши жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўлган молиявий хизматлар (банк операциялари қисмидан) кўрсатилганда солиқ агенти бўлган ҳолларда ҳам кўлланилади.

Солиқ кодексининг 244-моддаси биринчи қисми 2 - 10 - бандларида кўрсатилган молиявий хизматлар бүйіча хизматлар қиймати шакланиши шакли ва усулидан қатъий назар ҚҚС дан озод қилиниши сақлаб қолинади.

Бунда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда аввал тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 29.05.2013 й. 2460-сон билан рўйхатдан ўтказилган Кўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган молиявий хизматларга тааллуқли операциялар Рўйхати қайта кўриб чиқилмоқда ҳамда Солиқ кодексининг қоидаларига мувофиқ көлтирилмоқда.

2. Солиқ солиши мақсадларида хисоб сиёсатига ўзгартириш киритиш

Солиқ кодексининг 77-моддасига мувофиқ календарь йили давомида солиқ солиши мақсадларида хисоб сиёсати ўзгармайды. Солиқ тұловчининг ҳисоб сиёсатида ўзгартиришларга солиқ қонунчилиги ёки солиқ солиши шартлари ўзгарғанда ҳамда фақатгина ушбу ўзгартиришларга тааллуқли бўлган қисми ўзгарғанда йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тұғрисида”ги 29.12.2021 йилдаги ЎРҚ-741-сон Қонуни Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (www.lex.uz) 2021 йил 30 декабрда эълон қилингандыгини инобатта олиб, банк операцияларини амалга оширувчи солиқ тұловчилар **2022 йил 1 апрелга қадар** солиқ солиши шартлари

ўзгарганлиги муносабати билан солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатига ўзгариши киритиши ва ҚҚС суммасини ҳисобга олиш (алоҳида-алоҳида ва (ёки) мутаносиб) усулини танлашга ҳақли.

3. Электрон ҳисобварак-фактураларни расмийлаштириш (ЭХФ)

Солиқ кодексининг 242-моддаси олтинчи қисмига асосан молиявий хизматларни реализация қилишда хизматлар кўрсатилган календарь ойининг сўнгги куни хизматларни реализация қилиш бўйича айланмани амалга ошириш санаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.08.2020 й. 489-сон қарори билан тасдиқланган Ҳисобварак-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан мижознинг шахсий ҳисобварагидан кўчирмани бериш орқали банк операцияларини расмийлаштиришда бевосита мижозга ҳисобварак-фактурани тақдим қилиниши мажбурий ҳисобланмайди. Бунда, шундай хизматларни етказиб берувчи ҳар бир календарь ойи якунлари бўйича ушбу ойда кўрсатилган хизматларнинг бутун ҳажмига бир марта умумлаштирилган бир томонлама ЭХФ шакллантиради.

Солиқ кодексига киритилган ўзгаришиларни инобатга олиб, ўз мижозларининг талабларига кўра хизматларни етказиб берувчи солиқ тўловчилар ҳар бир календарь ойи якунлари бўйича кейинги ойининг ўнинчи санасига қадар банк операциялари бўйича ЭХФ ни расмийлаштирилари ва тақдим этишлари шарт. Мазкур ҳолатда ушбу ЭХФ бўйича айланмалар умумлаштирилган бир томонлама ЭХФ дан чиқариб ташланади.

4. Бошқа масалалар

Солиқ кодексининг 239-моддаси иккинчи қисмига асосан бепул хизматлар кўрсатиш, агар бундай хизматлар иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб эътироф этилса, ҚҚС бўйича хизматларни реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланмайди.

Бунда Солиқ кодексининг 239-моддаси учинчи қисмида бепул хизматлар кўрсатиш қуидидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда бирига риоя этилганда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб эътироф этилиши белгиланган:

- 1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқарилган бўлса;
- 2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги асослантирилган бўлса;
- 3) қонунчиликнинг қоидаларидан келиб чиқса.

Бунда, мисол учун:

1) Солиқ кодексининг 90-моддаси тўққизинчи қисмига асосан банклар солиқ тўловчиларнинг топшириқномаларини ва солиқ органларининг инкассо топшириқномаларини кўрсатилган операциялар бўйича хизмат кўрсатганлик учун ҳақ ундиримаган ҳолда бажарадилар. Банклар томонидан солиқ тўловчиларга ва солиқ агентларига ортиқча тўланган (ундирилган) солиқлар, пенялар ва жарималар сумаларни қайтариш бўйича топшириқномаларини бажаришда кўрсатилган операциялар бўйича хизмат кўрсатганлик учун ҳам ҳақ ундирилмайди.

Кўрсатилган операциялар бўйича хизмат кўрсатганлик учун тўлов ундиринаслик қонунчиликнинг қоидаларидан келиб чиқсанлиги сабабли, бундай бепул кўрсатилган хизматлар (операциялар) банкда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб эътироф этилади ва ҚҚС ни ҳисоблаб чиқаришда реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланмайди.

2) Агар банк мижозга банк ҳисобрақамини (миллий ва бошқа валютада) очиб берса ва ушбу операция учун тўлов ундиринаса, у ҳолда бундай операция солиқ солиши мақсадларида иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб эътироф этилади ва ҚҚС ни ҳисоблаб чиқаришда реализация қилиш бўйича айланма деб ҳисобланмайди, чунки у банк томонидан келгуси банк хизматларини **кўрсатишда даромад олишга қаратилган** фаолиятни амалга ошириш мақсадида амалга оширилган.